Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 14 май, № 101 (7603) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЖИЛОВИНИ МАҲКАМ УШЛАГАН ҲОЛДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ЮМШАТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 май куни мамлакатимизда карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида дунёда пандемия ҳали давом этаётгани, лекин қатор давлатлар карантин чекловларини аста-секин юмшата бошлаганини қайд этди.

— Дунё ҳамжамияти коронавирусга қарши вакцина ва даволайдиган дори воситаси ҳали топилмагани сабабли ушбу инфекция мавжуд бўлган шароитда яшаш ва ишлашга ўрганиш зарурлиги тўғрисида якуний хулосага келмоқда. Биз ҳам эпидемиологик вазият жиловини маҳкам ушлаган ҳолда, карантин талабларини юмшатишни бошлаганмиз ва буни босқичма-босқич давом эттирамиз.

Буни, энг аввало, иқтисодий фаолликни тиклаш орқали, аҳолининг ишлаши ва даромад олишини таъминлаш мақсадида амалга оширмоқдамиз.

Бу борада ўзимиздаги ҳақиқий аҳвол ва халқаро тажрибани кенг ўрганяпмиз. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ҳокимлар бутун масъулиятни ўзига олиб, чуқур ўйлаб, одамлар билан маслаҳатлашиб, иш олиб бораётган бўлса, ўша жойда яхши натижа бермоқда.

Лекин баъзи жойларда берилган эркинликни нотўғри тушуниб, аҳоли, айниқса, ёшлар ҳеч қандай заруратсиз кўчаларни тўлдириб юргани кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар ҳамда охирги кунларда инфекция юқтирганлар сони яна ошаётгани ҳаммамизни ҳушёр бўлишга чақирмоқда.

Умуман, коронавирус хавфи йўқолганидан кейин ҳам халқимиз карантин пайтидаги айрим қоидаларни ўзининг одатий турмуш тарзига айлантириши керак. Жумладан, шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, қўлни тез-тез совунлаб ювиш, дезинфекция қилиш, турли тўй-маросимларни жуда чекланган таркибда ўтказиш, юқумли касал бўлса ниқоб тақиш одатий қоидага айланиши зарур.

Бир ҳақиқатни барчамиз аниқ тушуниб олишимиз шарт: пандемия шароитида биз жорий этган янги тизимнинг қанчалик самарали ишлаши фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда пандемияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу мақсадларга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, иқтисодий фаолликни таъминлаш учун умумий қиймати 1 триллион сўмдан зиёд бўлган янги инвестиция лойиҳалари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, 87 мингта тадбиркорлик субъектининг жами 18 триллион сўм, қарийб 2 миллион фуқаромизнинг 5 триллион сўмдан зиёд банк кредитларини қайтариш муддати узайтирилди.

Ўтган ойнинг ўзида 250 мингта тадбиркор ва корхона, 83 мингта фермер хўжалигининг жами 400 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа тўловларини тўлаш муддати кечиктирилди. Давлат мулкидан фойдаланаётган 11 мингдан ортиқ тадбиркорлар ижара тўловидан озод бўлди.

Эҳтиёт чоралари таъминланган ҳолда, карантин даврида ишламаган 14 мингта саноат корхонасидан ҳозирги кунда 10 мингтаси ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Уларнинг 178 минг ходими ўз иш жойига қайтди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига вилоят ҳокимликлари билан биргаликда ҳозирги кунда ишламай турган 4 мингта саноат корхонаси муаммоларини бирма-бир ўрганиб, уларнинг фаолиятини май ойи охиригача йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз пандемия шароитида аввалги берилган имтиёзларга қўшимча равишда тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини таъкидлади.

Биринчидан, кичик бизнес ва фермер хўжаликларига ижтимоий солиқ ставкаси май — июль ойларида 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Бунинг натижасида 260 мингдан зиёд корхона ва фермер хўжаликлари жами 650 миллиард сўм маблағларни тежаган ҳолда, уларни сармоя ва айланма маблағ сифатида ишлатиш имконига эга бўлади.

Иккинчидан, кичик бизнес вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади. Бунинг ҳисобига 50 мингдан ортиқ тадбиркорлар 300 миллиард сўмни тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.

Шунингдек, аввалги қарорга асосан, апрель-май ойларида 1 мингдан зиёд тадбиркорларнинг ер ва мол-мулк солиқлари ва пенялари бўйича кечиктирилган 80 миллиард сўм тўловлари кечиб юборилади.

Учинчидан, тадбиркорларга божхона тўловларини 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат берилади. Бу уларга жами 540 миллиард сўмни тежаш ҳамда ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

Тўртинчидан, эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилади.

Бешинчидан, илгари ставкаси 22 фоизгача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси 26 фоизгача бўлган кредитларнинг фоизлари ҳам қисман қоплаб берилади.

Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 миллиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга оширилади.

Олтинчидан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун кредит бериш тажрибаси Тошкент шаҳрида ҳам татбиқ этилади. Шу орқали пойтахтда қарийб 10 мингта мавсумий иш ўринлари яратилади.

Еттинчидан, маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига III-IV чоракдаги харидларини II чоракда амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Умуман, иқтисодиётни ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Йиғилишда юртимиздаги эпидемиологик вазият ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг таклифларидан келиб чиқиб, карантин талабларини янада юмшатиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, “яшил” ва “сариқ” ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Республика комиссиясига пандемия қайта кучайган тақдирда вазирлик ва идоралар бажариши лозим бўлган бирламчи вазифалар белгиланган тартибни тасдиқлаш топшириғи берилди.

Олис ҳудудларнинг пойтахтимиз билан транспорт алоқасини тиклаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Шу боис Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларига авиақатновларни тиклаш, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига “Афросиёб” тезюрар поезди ҳамда Фарғона водийсига поезд қатновини қайта йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳарлар ичида шахсий автомобиллар ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш масаласи ўрганилмоқда. Транспорт, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига булар бўйича Республика комиссиясига таклиф киритиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, касаллик юқиши хавфидан келиб чиқиб, тўловлар нақдсиз шаклга ўтказилган эди. Аҳоли, айниқса, пенсионерларнинг мурожаатларини ҳисобга олиб, иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди.

Тошкент шаҳри туманларида муносиб иш жойлари ташкил этиш, уй-жойлар қурилишини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида карантин чораларини юмшатиш, иқтисодиёт корхоналарини қайта тиклаш борасидаги ишлар бу сафар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари мисолида кўриб чиқилди.

Мазкур икки вилоятда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 20 фоизи истиқомат қилади, саноат маҳсулотларининг 11 фоизи ишлаб чиқарилади.

Сўнгги икки ҳафтада карантин талаблари юмшатилиши натижасида Қашқадарё вилоятида 90 фоиз, Самарқанд вилоятида 60 фоиз корхоналар ўз фаолиятини тиклади. Лекин аҳолини даромад билан таъминлаш учун бу етарли эмас. Камбағал оилалар сони Қашқадарёда 91 мингта, Самарқандда эса 48 мингтани ташкил этади. Бу вилоятларнинг ҳар бирида юз мингдан ортиқ ишсизлар бор.

Давлатимиз раҳбари қийинчиликка дуч келаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳудуд раҳбарларининг энг устувор вазифаси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизи республикага бўйсунадиган корхоналарга тўғри келади. Касби, Қамаши, Миришкор, Нишон ва Чироқчи туманларида саноат деярли йўқ.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлиги билан биргаликда мазкур туманларда саноатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда етиштириладиган пахта толасининг атиги 42 фоизи қайта ишланиши қайд этилиб, янги тикув-трикотаж корхоналари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олтингугурт, марганец, ферро-силиций, гипс, доломит ва бошқа хом ашё захираларидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри аҳолиси 600 мингдан ошди. Ҳозирги уй-жой салоҳияти ва инфратузилма эҳтиёжни қондира олмайди. Шу боис шаҳарни Пастдарғом, Нуробод, Самарқанд туманлари томон кенгайтириш, янги мавзелар, “йўлдош шаҳарлар” барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу йўналиш вилоят учун яна бир ўсиш нуқтаси бўлади, минглаб иш ўринлари яратилади.

Самарқанд вилоятида 120 та норуда конлар мавжуд бўлиб, улардан 33 таси саноат йўли билан ўзлаштиришга жалб қилинмаган. Мисол учун, 5,1 миллион куб метр керамзит ва пардозбоп тошлар, 200 минг тонна ферро-силицийни саноат усулида қайта ишлаш имконияти бор.

Мутасаддиларга мавжуд конларнинг муҳандислик инфратузилма таъминотини ўрганиб, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноати орқада бўлган туманларни ривожлантириш, “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг Нуробод туманидаги қисмини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Вилоятдаги тўқимачилик корхоналари 37 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин ҳозирда уларнинг атиги 48 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Шу боис тўқимачилик саноати қувватларининг ишлаш даражасини ошириш, вилоятдаги 2 та пахта-тўқимачилик кластерида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўтган йиғилишдаги топшириққа мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳунармандчиликнинг муайян йўналишларига ихтисослашган 217 та эски қишлоқ тарихи, маҳаллий аҳолининг азалдан шаклланган кўникмалари ва “ўсиш нуқталари” ўрганилди. Бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам бошлаб, аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Каттақўрғон ва Нуробод туманларидаги 1 минг 200 гектар лалми ва яйлов ерларни Каттақўрғон шаҳри аҳолисига фойдаланишга бериб, 5 минг кишини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳукумат таркибидаги ўзгаришлар моҳиятига ҳам тўхталиб ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Бош вазирга янги вазифалар юклатилди, унинг ўринбосарлари ўртасида ҳам вазифалар қайта тақсимланди.

Ижтимоий соҳанинг аҳамияти ортиб бораётгани боис Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу лавозимга шу кунгача Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Бекзод Мусаев тайинланди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлигига Президентнинг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Шерзод Қудбиев тайинлангани маълум қилинди.

Йиғилишда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, бошқа ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»**ги ЎРҚ–296-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 249-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **номидаги** ва **1-моддадаги** «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **илованинг**:

белгиланишидаги ва **номидаги** «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2 ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига ёки хусусий мулки бўлган бошқа уй-жой майдонига.

3. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) болалар – васий (ҳомий), тутинган ота-она доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига»;

4-бандидаги «доимий прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Эр (хотин) – хотини (эри) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига»;

6-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар – доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида»;

9, **10** ва **11-бандларидаги** «мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **11¹-банд** билан тўлдирилсин:

«11¹. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат ҳокимияти органларида, давлат бошқаруви органларида, хўжалик бирлашмаларида ва бошқа давлат ташкилотларида беш йил мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари), шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган болалари)»;

изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Изоҳ**:

1. Мазкур Рўйхатнинг 2 (бундан хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган фарзандлари ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳидан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалар мустасно), 3, 5, 9–12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, башарти Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилса, амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ҳоллар мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 май
№ ЎРҚ–616

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРИ

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Машҳур файласуф Сенеканинг “Ҳосил ёмон бўлганда ҳам яна экавериш керак”, деган сўзлари бундан икки минг йил аввал айтилган, аммо ундан чиқариладиган хулоса бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарбдир.

Дарҳақиқат, фақат зорланиш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Муаммоларни бартараф этиш, ҳаётни яхшилаш ва фаровон қилишда тинимсиз олдинга интилиш, фидокорона меҳнат қилиш, машаққатларни мардонавор енгиб ўтиш лозим. Жорий йилги баҳор ўзи билан мураккаб синовларни олиб келган Ўзбекистонда айнан мана шу ёндашувга амал қилинмоқда. Бу эса одамларимиз руҳини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Долзарб мавзу

Ўзи нимадан бошланди?

Ўтган йил охирида илгари маълум бўлмаган янги вирус ҳақидаги хабарлар “ёмғири” ёға бошлади. Кейин у кучайиб, икки ой ичида бутун дунёни қоплаган “қора дўл”га айланди.

Мамлакатимизда коронавирус касаллиги илк бор март ойида аниқланди. Ўшандан буён эпидемиологик вазият бўйича ҳар куни хабар бериб борилмоқда. Мутахассислар гигиена ва “ўз-ўзини яккалаш” қоидаларига оғишмай риоя қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантиришяпти. Одамларнинг бир-бири билан, жамиятнинг ҳукумат ва давлатимизнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатлари мутлақо янгича шакл ва мазмун касб этмоқда.

Ўзбекистонда дастлабки кундан бошлаб коронавирусга қарши мустаҳкам тўсиқ ўрнатишга ҳаракат қилинди. Пандемия тарқалишининг олдини олиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича режали ҳамда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Юзага келган мураккаб шароитни ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилаётир. Карантин эълон қилиниб, ҳаракатланиш чекланди, оммавий тадбирлар бекор қилинди. Жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Аммо ҳаёт тўхтагани йўқ. Ўз вақтида тезкор қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли у янги шароитларга мослашган ҳолда давом этяпти. Мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртларида масофавий усулда ўқитиш йўлга қўйилди, кўплаб ташкилотлар ҳам масофадан туриб иш юритмоқда.

➡3

ЕОИИда «кузатувчи» мақомида иштирок этиш бўйича парламент қарори

халқ хоҳиш-иродасининг ифодасидир

Жорий йилнинг 11 май куни Олий Мажлис Сенати қуйи палата томонидан Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи ташкилотида (ЕОИИ) “кузатувчи давлат” мақомида иштирок этиш тўғрисида қабул қилган қарорини маъқуллади.

***Ўзбекистонга “кузатувчи давлат” мақоми нима беради ва бу минтақадаги ҳамкорликка қандай таъсир қилади?** Шу ва бошқа саволларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон НЕЪМАТОВ жавоб берди.*

Бизнинг интервью

— Ўзбекистоннинг ЕОИИга “кузатувчи давлат” бўлиб кириши тўғрисидаги парламент қарори ҳақида қандай фикрдасиз?

— Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори палаталарида ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари мамлакатимиз сиёсий майдонида мутлақо янги парламент пайдо бўлганини кўрсатди. Қарор илгаригидек оддий тасдиқлаш йўли билан эмас, балки демократик жараёнлар орқали қабул қилинди. У умумхалқ муҳокамаси сифатида ташкил этилди, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши таъминланди ҳамда мазкур қарорнинг мамлакатимиз миллий манфаатларига мувофиқлигига ҳар томонлама баҳо берилди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи мақоми тўғрисидаги парламент қарори мамлакатимиздаги сайловчилар жуда катта қисми манфаатларининг ҳақиқий ифодаси бўлди.

Халқ вакиллари парламент ва жамоатчилик назорати механизмларидан фойдаланган ҳолда ҳукумат, вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлари ва экспертларнинг хулосалари ҳамда баҳоларини тингладилар, жойларда ушбу мавзуда жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилди. Халқ билан самарали уюштирилган мулоқот амалда ОАВни жамоатчилик манфаатлари ҳисобга олинадиган ва ҳар томонлама ўйланган қарорлар қабул қилинадиган ҳақиқий мунозаралар майдонига айлантирди. Буни мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлашнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 14 май

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Ер эгалари қонунчиликни такомиллаштириш борасида ўз таклифларини билдиришди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов шу ҳафта бошида Тошкент вилоятининг Пискент туманида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида булғор қалампири етиштиришга ихтисослаштирилган Навоий номидаги МФЙ ҳудудида бир нечта томорқа ер эгалари, шунингдек, “Мингтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида узумчиликка ихтисослаштирилган деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида амалга оширилган муҳим ташкилий тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Шу билан бирга, ҳозир парламент қуйи палатасида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ерлардан самарали фойдаланаётган томорқа ер эгаларини рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Хусусан, айни пайтда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ишлари якунланаётганига тўхталиб, унинг мазмунмоҳияти ҳақида сўз юритди.

Ўз навбатида, шу соҳанинг оғиру енгили, ютуқ ва камчиликларини ич-ичидан билган деҳқон хўжалиги раҳбарлари ҳамда томорқачилар инқирозга қарши курашиш шароитида Президентимизнинг халқимизга йўллаган бир нечта мурожаатлари уларга ҳам жуда катта далда бўлганини эътироф этишди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланишда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига амал қилиб, ҳосилдорликни икки баробар ошириш учун ҳаракат қилаётганликларини айтиб ўтишди. Шу билан бирга, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор аниқ ва жўяли таклифларни ҳам билдиришди.

Қонунчиликда уларга мева-сабзавотчилик кластерлари билан ҳамкорлик қилиш, мева-сабзавотчилик кооперацияларига аъзо бўлиш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзо бўлишни ихтиёрий этиб белгилаш ва аъзо бўлганда ҳам аъзолик бадали тўламасдан аъзо бўлишни белгилаш шулар жумласидандир.

Томорқа ер участкасини, унинг эгаси томонидан ижарага бериш масаласини чуқурроқ ўйлаш, бунда ижарани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ўрнатилмаслиги, акс ҳолда бу ҳам бир бюрократик тўсиққа айланиб қолиши ҳақида илгари сурилган яна бир таклиф аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди.

Суҳбат чоғида юқоридаги ва бошқа таклифлар, албатта, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида инобатга олиниши айтиб ўтилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикрлашувлар

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун лойиҳаси таълим соҳасидаги барча ютуқ ва камчиликлар, жаҳондаги тажриба ҳамда тенденцияларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Мамлакат келажаги ва тақдирига бевосита дахлдор масала бўлгани сабабли ҳам депутатлар муҳокамаларга жиддий ёндашмоқдалар. Бунинг сабаби бор, албатта. Қонун лойиҳаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан бир неча ой давомида иккинчи ўқишга тайёрланди.

Ушбу жараёнда 238 та нормага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Лойиҳадан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш оқибатида 123 та норма чиқариб ташланди. Уларнинг ўрнига тўғридан-тўғри амал қилувчи 54 та янги норма киритилди. Ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш ҳисобига киритилган 7 та моддадан бутунлай воз кечилиб, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи 9 та янги модда киритилди.

Қонун лойиҳаси устида шунча меҳнат қилинганига қарамай, унинг ялпи мажлисдаги муҳокамаси 5 май куни бошланиб, қарийб 3 кун давом этди ва депутатларнинг кескин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Кўплаб саволлар кўтарилди.

Хусусан, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу ҳужжат таълим соҳасини тартибга солиш билан бир қаторда, тарбия соҳасини ҳам тартибга солиши зарур, деган ғоя билан чиқди. Лозим топилса, мазкур қонунни тарбиявий аҳамиятлар билан боғлаш, уни таълим ва тарбия тўғрисида, деб номлаш, таълим стандартлари нормаларига таълим ва тарбия стандартлари тушунчалари билан бойитиш каби фикрлар ҳам илгари сурилди. Кўмита томонидан ушбу масала юзасидан таҳлилий материаллар ҳамда хорижий тажриба ёрдамида фракция аъзоларига тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги хорижий тушунчаларни ўзбек тилидаги номлар билан аташ таклифи берилди.

Лойиҳа муҳокамаси давомида айрим тушунчалар ноаниқликларни келтириб чиқараётгани боис уларга аниқлик киритиш, яъни бир ном билан аташ лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, қонун лойиҳасида бир тўхтамга келиш қийин бўлган бир қатор нормалар кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Жумладан, таълим бериш тили билан боғлиқ модда ҳаволаки тусда бўлиб қолгани боис депутатлар томонидан уни қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш таклиф қилинди. Бу, албатта, ҳужжатнинг ҳаволаки нормалардан холи бўлиши, амалиётда тўғридан-тўғри ишлашини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳи сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қонун лойиҳасида акс эттириш устида иш олиб бормоқда. Қонун лойиҳасини маромига етказган ҳолда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар муҳокамасига киритиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Европа парламенти делегацияси раиси билан мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Ф. Мартушелло (Италия) билан видеоконференция орқали музокара ўтказди.

Ҳамкорлик

Мулоқотда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, жумладан, икки томонлама парламентлараро алоқаларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Европа Иттифоқи билан сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнгги пайтларда томонлар ўртасидаги муносабатлар янгича руҳда ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил апрель ойида Европа кенгаши раҳбари Шарль Мишель билан телефон орқали ўтказган мулоқоти бунга бир мисолдир.

Музокара чоғида Ф. Мартушелло Ўзбекистонда коронавирус тарқалишига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор этилди. Ўз навбатида, пандемиянинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини камайтириш учун Ўзбекистонга 36 миллион евро миқдорида молиявий ёрдам тақдим этишга тайёрлиги учун Европа Иттифоқига миннатдорлик билдирилди.

Европарламент делегацияси раиси COVID-19 пандемиясига қарши курашиш бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда инқирозга қарши чора-тадбирлар самарадорлиги кейинги йилларда олиб борилган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон хорижий давлатларга, жумладан, Европа Иттифоқи аъзоси Венгрияга коронавирусга қарши курашиш учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатгани алоҳида қайд этилди. Европарламент депутати шу йил март ойида Тошкентда кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими лойиҳаси юзасидан ўтказилган Ўзбекистон — ЕИ музокаралари якунларига ижобий баҳо берди. Мазкур музокаралар давомида томонлар ушбу кенг қамровли лойиҳанинг кўплаб муҳим масалаларини келишиб олди.

Ф. Мартушелло Ўзбекистоннинг GSP+ преференциал савдо мақомига эга бўлиши мамлакатимиздаги ислоҳотлар сиёсати қўллаб-қувватланишини кўрсатувчи муҳим қадам бўлишига қўшилди. GSP+ мақоми 6 мингдан зиёд номдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқига божсиз экспорт қилиш имконини беради.

Мулоқот чоғида “Ўзбекистон — ЕИ” парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисини Брюссель шаҳрида ўтказиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».

ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикасини Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда парламент комиссияси аъзолари — Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари, БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги доимий вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Муҳокаманинг асосий мавзуси Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни бажариш бўйича Ихтиёрий миллий ҳисобот лойиҳаси бўлди.

Мажлисни кириш сўзи билан очар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон барқарор ривожланиш бўйича халқаро кун тартибига қўшилиб, 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадларини миллий даражада амалга ошириш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олганини таъкидлади. Бу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, айниқса, сўнгги уч йил мобайнида жадал тус олганини қайд этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Ўзбекистон парламенти БМТнинг барча ташаббусини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келаётгани, энг муҳими, барқарор ривожланиш соҳасида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон 2020 йилда ўтказиладиган барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги сиёсий форумда Ихтиёрий миллий ҳисоботни тақдим этишни режалаштираётган 49 та мамлакат рўйхатига киритилган. Айтиб ўтилганидек, 2030 йилгача бўлган давр учун Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари қабул қилиниши янги глобал шерикликнинг негизини шакллантирди. Ундан кўзланган мақсад — барқарор ривожланишнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини уйғунлаштириш асосида фаровонликни оширишдан иборат.

Мамлакатимиз кейинги уч йил давомида иқтисодиётни эркинлаштириш ва кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш йўналишида салмоқли муваффақиятларга эришди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасини Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясининг тузилиши қўйилган мақсадларга эришиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Олий Мажлис Сенати Раиси парламент комиссиясининг мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталди. Келтириб ўтилганидек, ўз регламентига кўра, парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳузурида ташкил этилган тегишли Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва масъул тузилмаларнинг даврий ҳисоботларини эшитади. Парламент комиссияси Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларни амалга ошириш устидан миллий ҳамда ҳудудий даражада, вилоятлар ва туманлар кесимида назорат олиб боради. Бунда 6600 дан ортиқ маҳаллий Кенгашлар депутатлари салоҳиятидан фойдаланилади. Улар билан ишлашда депутатларнинг миллий мақсадларга эришиш бўйича билимини ошириш, уларнинг бу йўналишдаги фаоллигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Парламент комиссияси ишига кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари жалб этилади. Бу, ўз навбатида, максимал даражадаги очиқлик ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилади. Парламент комиссияси томонидан олиб борилаётган ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни янада такомиллаштириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Мажлис кун тартибидаги биринчи масала — Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Ихтиёрий миллий ҳисобот лойиҳаси муҳокамаси чоғида таъкидландики, ушбу ҳужжат, аввало, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида давлатнинг сиёсий иродасини акс эттиради. Иштирокчилар эътиборига БМТга тақдим этилиши лозим бўлган Ихтиёрий миллий ҳисоботнинг асосий тезислари ҳавола қилинди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон мазкур ҳужжатни жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этишга тайёр бўлган 49 та мамлакатдан биридир.

Ихтиёрий миллий ҳисобот лойиҳаси Ўзбекистонда БРМга эришиш соҳасидаги ютуқларни, шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш глобал мақсадларига эришишга содиқлигини акс эттиради. Ҳужжатда узоқ муддатга мўлжалланган ва республикамизни ривожлантиришга қаратилган стратегик давлат, тармоқ ҳамда минтақавий дастур ва стратегияларни амалга ошириш таҳлили келтирилган. Бунда БРМ индикаторлари бўйича статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Мажлисда республикамизнинг Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари бўйича эришган ютуқларидан келиб чиқиб, мазкур ҳужжатни такомилига етказиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Ихтиёрий миллий ҳисобот лойиҳаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маъқулланди.

Тадбирда коронавирус пандемияси даврида БМТ тузилмалари билан ҳамкорлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Айтилганидек, мамлакатимизда карантин бўйича қатъий чоралар кўрилган пайтда халқимизнинг ижтимоий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик каби энг яхши фазилатлари намоён бўлди. Бу эса кўп жиҳатдан вазият қисқа муддатда назоратга олинишига хизмат қилди.

Анжуманда иштирок этган БМТ тузилмалари вакиллари пандемия даврида ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий жиҳатлари борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борадаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

Мажлисда парламент комиссиясининг режаси тасдиқланди. Унга кўра, 2020 йил давомида 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларидан 8 тасининг амалга оширилишини ўрганиш назарда тутилган.

Шунингдек, тадбирда парламент комиссияси фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ПЛЮРАЛИЗМ

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ана шундай руҳда ўтди.

Жорий йил 11 май куни Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўтказилгани ва унда бугунги кунимиз учун ўта муҳим бўлган 20 та масала, жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Хўш, ана шу мажлис кўпроқ нимаси билан ёдимизда қоладиган бўлди? Тадбирни онлайн кузатган ҳар киши ушбу савол бўйича ўз жавобини топиб бўлди, десак, муболаға эмас.

Ялпи мажлисдан кейинги ўйлар

Дастлабки илиқ таассурот

Ялпи мажлис парламент юқори палатасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли бериб борилгани ва давлат телерадиоканаллари ахборот дастурларида шу бўйича мунтазам репортажлар узатилгани диққатимизни тортди. Жараён “UzReport” нодавлат телеканалида тўғридан-тўғри трансляция қилинди. Шуларга мос равишда кун тартибидаги масалалар аҳолининг барча қатлами манфаатларини ифодалагани учун ижтимоий тармоқлар янада фаол бўлишига туртки берди. Бу ҳам Сенатнинг фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётгани, унинг фаолияти барча учун очиқ ва шаффоф эканлигини англатади.

Коронавирус пандемияси туфайли давом этаётган синовли кунларда очиқлик ва шаффофлик ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Буни Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди: “Рўй берган бу ҳодисалар халқимизни саросимага солмади. Аксинча, одамларимиз сабр-матонати ва ахиллиги билан буюк миллат эканлигимизни яна бир бор исботлади.

...Коронавирусдан соғайганлар сони кун сайин ошиб бораётгани, шунингдек, табиий офатдан зарар кўрган худудларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимизда карантин қоидалари босқичма-босқич юмшатиляпти. Ҳудудларимиз шартли равишда “қизил”, “сариқ”, “яшил” тоифаларга ажратилиб, қатор ишлаб чиқариш тармоқлари ва сервис хизматлари фаолияти тикланмоқда. Бунда санитария талабларига қатъий риоя қилинишига устувор аҳамият қаратиляпти. Мазкур чоралар, аввало, халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда ва ишонамизки, одамларимиз буни яхши англаб, тушуниб, бундан буён ҳам батартиб ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қиладилар”.

Бугунги сенатор кабинет ходими эмас

Дарҳақиқат, бугунги сенатор кабинетда қўнғироқ кутиб ўтирадиган абонент эмас, ҳақиқий халқ вакили сифатида ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил интиляпти. Ҳар қачонгидан ҳам фаол ва ташаббускор бўлиш бугун уларнинг бош шиорига айланган, десак муболаға бўлмайди. Бундай интерфаол муҳит ялпи мажлисда ҳам сезилиб турди. Сенаторларимиз кимўзарга мақтов сўзлар айтиб эмас, балки ўзаро фаолиятни кучайтиришга қаратилган асосли таклифлар бериш, кези келганда адолатли танқид қилиш орқали ўзларини намоён этишди. Бугун парламент минбари шунчаки навбатчи гап учун эмас, одамлар дардини очиқ айтиб, оғирини енгил қилиш йўлларини топишга кўмак берадиган майдон эканлигини англаб етишаётгани бизни барчасидан кўпроқ мамнун этди.

Демак, бугун жамиятнинг ҳар жабҳасида парламент, хусусан, Сенат нафаси сезиляпти. Ялпи мажлисда кўрилган медаль ва орденларни таъсис этишдан тортиб прописка-гача, Давлат бюджетини оптималлаштиришдан ЕОИИ билан ҳамкорликкача, Бош прокурор, Омбудсман, Марказий банк, Ҳисоб палатаси раҳбарлари ҳисоботларидан рад этилган қонунларгача бўлган барча масалалар муҳокамаси жараёнларида ана шу янгича нафасни, кўтаринкиликни кўриш мумкин эди.

Мисол учун, “Humo” карталари нега ишламай қоляпти? Ноқонуний “снос”лар қачон барҳам топади? Коррупцияга қарши кураш қачон янги босқичга чиқади? Шу ва бошқа қатор қайноқ саволлар ўртага ташланди, уларга қаноатли жавоблар берилди. Масаланинг шу тарзда кескин сўроқ оҳангида қўйилишининг ўзиёқ парламент халқ ичига чуқур кириб бораётганлигини ва аҳоли дардига дармон бўлишга уринаётганлигини кўрсатади.

Замонамиз қаҳрамонлари рағбатлантирилади

Ялпи мажлис кун тартибидаги биринчи масаланинг ўзиёқ кузатувчида илиқ таассурот қолдирди. Гап шундаки, бугун кимлар кўп жон куйдиряпти? Албатта, шифокорлар, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, саховатпеша инсонлар, устоз-мураббийлар, оқсоқоллар, маҳалла фаоллари ва бошқалар. Улар фидойилик билан меҳнат қилаётган экан, шунга яраша рағбатлантирилса адолатдан бўлади. Шу боис сенаторларимиз “Саломатлик” ордени, “Соғлом турмуш” медали ва “Фахрий мураббий” орденини таъсис этиш тўғрисидаги қонунларни якдиллик билан маъқуллаб чиқишди.

Борини тежаб ишлатган кам бўлмайди

Бугун дунёнинг кўплаб давлатлари пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий таъминотидан кўра кўпроқ иқтисодий барқарорликни ушлаб қолишга катта эътибор қаратмоқда. Бизда эса вазият сал бошқача. Давлатимиз раҳбарининг халқчил сиёсати туфайли биринчи ўринга оддий одамларнинг манфаатлари қўйилди. Натижада коронавирус эпидемиясининг кескин чўққисида ҳам жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун нормал турмуш тарзи узлуксизлиги таъминлаб берилди. Бу борада Президент томонидан ўз вақтида қабул қилинган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор дастуриламалга айланди.

“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам айнан ушбу ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди. Сенаторлар таъкидлаганидек, у Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш, харажатларни оптималлаштириш ҳамда ҳудудий бюджетларга бериладиган трансфертларни кўпайтириш имконини беради. Бу коронавирус пандемиясига қарши кураш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилишини инобатга олсак, қонун сенаторлар томонидан бир овоздан маъқуллангани бежиз эмаслигини тушуниш мумкин.

Томорқа кони фойда эмасми?

Ҳозирги кунларнинг долзарб масалаларидан яна бири, шубҳасиз, кони фойда сифатида айтиладиган томорқа ва ундан самарали фойдаланишдир. Сенаторлар маъқуллаган “Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга молик. У билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Энди ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузганларга нисбатан нафақат жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, балки озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам қўлланилиши белгиланяпти. Бу нафақат мулкдорларнинг, балки оддий фуқароларнинг ҳам мулк ҳуқуқи кафолатлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Ундан ҳам муҳими эса томорқа хўжаликлари ривожланади ва алалоқибат дастурхонларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўлади.

Бир йўла иккита қонун қайтарилди. Нега?

Ялпи мажлисни кузатарканмиз, бир йўла иккита қонун рад этилиши чиндан ҳам кутилмаган воқеа бўлди, десак, муболағага йўймайсиз. Қайтарилган дастлабки ҳужжат “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонундир. Унда томорқа ер участкасидан асоссиз равишда оқилона фойдаланмаганлик учун жавобгарлик назарда тутилаётган бўлиб, хусусан, томорқа ер участкасидан “асоссиз равишда” ёки “оқилона” фойдаланмаслик ёхуд “самарасиз” фойдаланиш каби тушунчалар моҳияти тўлиқ очиб берилмагани сенаторларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Тўғри-да, қонун бўлгандан кейин ҳаммаси аниқ-тиниқ кўрсатилиши, ҳеч қандай саволга ўрин қолмаслиги керак. Шулардан келиб чиқиб, бу қонун рад этилди.

Шунингдек, сенаторлар “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилишаркан, уни янги нормалар билан тўлдириш зарурлиги, аксинча, бу ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида қатор қийинчиликларга дуч келинишини таъкидладилар. Шу муносабат билан бу қонун ҳам рад этилди.

Пропискангиз бор, елка қисиб яшамайсиз

Сенат ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин олган, таъбир жоиз бўлса, кўплаб юртдошларимиз интиқлик билан кутган масалалардан бири доимий рўйхат масаласи эди. Фуқаро шу Ватан равнақи йўлида туну кун меҳнат қилса-ю, ўз юртининг пойтахтида эмин-эркин яшай олмаса. Пропискаси йўқлигидан елка қисиб яшаса...

Президент айнан ушбу сунъий ғовни йўқ қилиш масаласини масъул мутасаддилар олдига қатъий қўйганидан сўнггина “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ишлаб чиқилди. Жамиятнинг бу ҳужжатга чанқоғи ҳисобга олиниб, сенаторларимиз томонидан якдиллик билан маъқулланди ва Президент томонидан имзоланди.

Хўш, унинг афзалликлари нимада? Аввало, у тизимни ислоҳ қилишга қаратилган қатор янгиликни қамраб олган. Масалан, “доимий прописка” сўзлари “яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” сўзларига алмаштирилди. Бундан ташқари, фуқароларга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган бошқа манзилдаги уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти яратиляпти, эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда пропискани йўқотиш бўйича қоидалар бекор қилинди. Яна бир жиҳат, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги кадрлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари белгиланган тартибда доимий прописка қилинганидан сўнг, улар бошқа ишга ўтиши ёки лавозимдан озод этилиши яшаш жойи бўйича доимий рўйхатдан чиқарилишга олиб келишига оид қоида чиқариб ташланди. Ва ҳоказо...

Сенат олдида ҳисоб беришди

Ялпи мажлисда сенаторларимиз томонидан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси қандай бораётганлиги ҳам чуқур ўрганилди. Шу юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди. Эшитув давомида қўлга киритилган энг катта натижа нима бўлди, деб ўйлайсиз? Бундан буён Давлат дастуридаги топшириқларни сурункали равишда ёки ўз вақтида бажармайдиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари лавозимга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласини Ҳукумат олдига қўйишга келишиб олинди. Бу парламентнинг ўрни сезиларли даражада ошади, деганидир.

Шундан сўнг сенаторларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида омбудсман Улуғбек Муҳаммадиев ҳисобот берди.

“Ўтган йилда Омбудсманга 12 800 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Лекин уларнинг қанчаси ёки неча фоизи ижобий ҳал қилинган деган саволга аниқ жавоб топа олмадим. Бор-йўғи 20 фоиз мурожаат назоратга олинган, холос, — деди Сенат Раиси ҳисобот юзасидан ўз фикрини билдирар экан. — Бу жуда ҳам паст кўрсаткич. Мурожаатларнинг аксариятини назоратга олиш лозим. Айнан мурожаатларда одамларни қийнаётган муаммолар ўз ифодасини топади. Шу боис Омбудсман мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиши лозим”.

Ўз навбатида, Сенат қўмиталарининг Омбудсман билан ҳамкорлиги сезилмаётгани очиқ-ойдин айтилди.

“Нима учун Омбудсман ва қўмиталар биргаликда одамларни қийнаётган масалаларни ўрганиб, муаммоларни аниқлаб, Сенатга таклифлар киритишмайди? — деди Танзила Норбоева. — Ушбу муаммолар ва уларнинг кўриб чиқилиши натижасида республикадаги тизимли муаммоларни аниқлаш мумкин ва бунинг натижасида қонунчиликка ҳам ўзгартишлар киритиш мумкин бўлади”.

Шунингдек, Омбудсман ўз фаолияти давомида тегишли комиссиялар ва ОАВ билан ҳамкорликни кучайтириши кераклиги, депутат ва сенаторлар ҳам бу масалада унга яқиндан кўмаклашиши лозимлиги таъкидланди.

ЕОИИ: У бизга нима беради, нимани йўқотамиз?

Диққатимизни торган яна бир жиҳат, галдаги долзарб масала, яъни Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги бўйича сенаторлар ўзларининг фикрларини дадил айтаётгани бўлди. Бу масаланинг яхши ва ёмон тарафлари сенаторлар томонидан синчиклаб таҳлил қилинди. Натижада фикрлар хилмахиллиги очиқ-ойдин кўринди. 16 та сенатор ушбу масалага қарши овоз берди, 4 нафари бетараф қолди, қолганлар эса қўллаб-қувватлади.

“Мен ЕОИИ давлатлари билан ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди сенатор Муртазо Раҳматов. — Аввало, шуни айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, хусусийлаштириш концепциялари ҳамда дастурларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этишда ЕОИИнинг айрим давлатлари биздан анча олдинга ўтиб кетган. Бу тузилма билан яқин алоқа ўрнатсак, уларнинг бу борадаги илғор тажрибасидан унумли фойдаланишимиз мумкин бўлади”.

“Президентимиз ҳам мурожаат давомида ёки бошқа йиғилишларда кўп таъкидладиларки, ташқи сиёсатда ҳар бир қилаётган ишимиз, биринчи навбатда, бизнинг миллий манфаатимиздан келиб чиқиши керак, — деди бу ҳақда ташқи ишлари вазири ўринбосари Илҳом Неъматов. — Ҳар бир босган қадамимизда Ғарб нима деркин, Шарқ нима деркин, дейдиган бўлсак, ҳеч қандай натижага эришмаймиз. Шунинг учун суверен давлат сифатида миллий манфаатимиздан, сиёсий, иқтисодий, маданий манфаатимиздан келиб чиқишимиз керак”.

Қўллаб-қувватловчилар кўплаб бошқа сабабларни ҳам кўрсатган бўлса, муҳолиф фикрдагилар манфий жиҳатларини далиллашга уриндилар.

Қарши овоз берган сенаторлар фикрича, бу иқтисодиётимизнинг қатор тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига олиб келади, муайян даражада иш ўринлари йўқотилади, инвестиция фаолияти ва саноатни модернизация қилиш жараёнларида сустлашув кузатилиши мумкин. Шунингдек, муайян даврда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари нархларининг ошиши, уларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилиши ҳамда ички бозорда импорт маҳсулотлари ҳажми кўпайишини ҳам таъкидлашди. Бундан ташқари, республиканинг савдо сальдоси ва тўлов баланси ҳолати ёмонлашиши хавфи борлиги қайд этилди. Мамлакатимиз манфаатлари учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи долзарброқ эканлиги ҳам айтиб ўтилди.

Якунда эса сенаторларнинг кўпчилик овози билан Ўзбекистоннинг ЕОИИда “кузатувчи давлат” мақомида иштирок этиш таклифи маъқулланди.

Коррупцияга қарши алоҳида тузилма бўлади

Ялпи мажлисда яна бир муҳим ва долзарб янгилик айтиб ўтилди.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРИ

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

1 Йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги хизматлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, тиббий ёрдам, оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатяпти. Электр энергияси, газ ва сув таъминоти, коммунал хизматлар узлуксизлиги таъминланмоқда. Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, гигиена буюмлари, бирламчи эҳтиёж моллари мунтазам етказиб берилаётир. Хуллас, фуқароларни қийин шароитда қўллаб-қувватлаш учун барча ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам, кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронлиги бор шахсларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Карантин сабаб коронавирус хавфи юқори бўлган хорижий давлатларда қолган юртдошларимиз ҳам эътибордан четда эмас. Уларни Ўзбекистонга қайтариш учун махсус чартер рейслар ташкил этилмоқда.

Айни вақтда ушбу юқумли касалликнинг олдини олиш ва уни даволаш ишларига жалб қилинган тиббиёт ходимлари зиммасига улкан масъулият юкланди. Уларга фаолияти янада самарали ва натижадор бўлиши учун керакли шароитлар яратилди. Хусусан, шу йўналишда зарур билимга эга хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш йўлга қўйилди, ихтисослаштирилган тиббий муассасалар ва карантин зоналари ташкил этилди. Бутун мамлакат аҳолиси шифокорлар учун қайғуриб, уларнинг муваффақиятларидан мамнун бўляпти. Давлатимиз томонидан коронавирус билан курашнинг олдинги сафида турган ушбу соҳа ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар аҳоли бирдамлиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли катта натижа беряпти. Телефон орқали сўров ўтказиб, ижтимоий фикр ўрганилганда, ўзбекистонликларнинг аксарият қисми карантин чекловларини тўғри тушунганлиги маълум бўлди. Буни хорижлик экспертлар ҳам тасдиқлашмоқда.

— Пандемия ўзбек жамиятининг бирдамлигини намоён этди, — деб ёзади “Polish Market” журнали муаллифи А. Казимерский. — Кўпгина давлатларда, жумладан, Польшада ҳам Ўзбекистон аҳолини пандемиядан муҳофаза қилиш масаласига оқилона ва ўта масъулият билан ёндашганлиги ибрат қилиб кўрсатилмоқда.

Иқтисодиётми ё ҳаёт?

Коронавирус тўсатдан тарқалгани боис дунё мамлакатларида бу балони даф этиш бўйича тайёр усул йўқ эди. Шунингдек, “Бу мураккаб шароитда биринчи галда одамлар ҳаётини сақлаб қолиш керакми ё иқтисодиётними?” деган саволга ягона жавоб ҳали ҳам берилмади. Бу масалада баҳслар давом этяпти. Бир томондан, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги бош қадрият эканлиги деярли барча давлатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис аксарият давлатларда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишга қаратилган турли даражадаги чекловлар жорий этилди. Иккинчи томондан эса ушбу чекловлар фақат оддий фуқаролар томонидан карантин қоидаларига риоя қилишнинг ўзигагина тегишли бўлмай, балки мамлакатлар ўртасида ва ҳатто бир мамлакат ичидаги ҳудудлар ўртасидаги транспорт алоқасини узиб қўйди, аксарият корхоналар, дўконлар ва хизмат соҳалари объектларининг ёпилишига сабаб бўлди. Бундай ҳолат иқтисодий фаоллик пасайиши, ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши, шунга мос ҳолда ишловчиларнинг даромади пасайиб кетиши ёки умуман йўқотилишига олиб келди. Айрим экспертлар очиқ айтаётганидек, муайян кишини коронавирусдан сақлаб қолсак ҳам, у ўзи ва оиласини боқиш учун даромадга эга бўлмаса, бу қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини тасаввур этишнинг ўзи қийин.

Ана шундай шароитда нафақат мамлакатимизда, балки халқаро даражада ҳам Ўзбекистон раҳбарияти тутган йўлга муносиб баҳо берилмоқда. 19 март куниёқ, ҳали кўп мамлакатлар COVID-19 ҳужумини қандай бартараф этиш ҳақида энди ўйлай бошлаган вақтда, Ўзбекистон Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унда Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ва маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, ажратилган маблағлар коронавирус тарқалишининг олдини олиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофазани кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолиятини таъминлашга сарфланмоқда.

Бизнес учун рағбат зарур

Вазиятнинг ўзгариши ва карантиннинг чўзилиши сабабли биринчи галдаги вазифаларга қўшимча равишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бошқа самарали чора ва воситалар ҳам қўлланила бошландики, улар ёрдамида пандемиянинг салбий оқибатлари камайтирилди. Ушбу чораларнинг рўёбга чиқарилиши қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилгандир. Мисол учун, қишлоқ жойларда яшаб, меҳнат қилаётган одамларни қўллаб-қувватлашни олайлик. Энг аввало, қишлоқ хўжалиги ходимларига баҳорги экин-тикин ишларини ўз вақтида, сифатли бажариш, келгусида яхши ҳосил олиш учун замин ҳозирлашга кўмаклашувчи чоралар қўлланилди. Бу эса мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат саноати корхоналарига ўз вақтида хом ашё етказиб бериш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда жуда муҳимдир. Шу боис чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш истагида бўлган қишлоқ аҳолисини рағбатлантириш давом эттирилмоқдаки, мазкур тадбирлар даромадни кўпайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратишда қўл келмоқда.

Бир қатор рағбат чоралари томорқа эгаларига кўмаклашишни кўзда тутади. Улар ҳам ўз оиласини мева-сабзавотлар билан таъминлайди, ҳам эҳтиёжидан ортиғини сотиб, даромад олади. Бунда ўз томорқасидан йилига 2-3 марта ҳосил олаётган ва ўн миллион сўмлаб даромад қилаётган томорқа эгаларининг тажрибасини ёйишга эътибор бериляпти.

Яна бир жиҳат ғоят аҳамиятли: қатор вилоятларда ирригация тармоқларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар сабабли суғориш учун сув етишмаслиги кузатилиб, ўн минглаб гектар ерлар муомаладан чиқарилган эди. Шунинг учун ушбу ерларнинг ҳолатини тиклаш, бир қисмини ишсиз аҳолига экин экиш учун бериш вазифаси қўйилди. Бундай ер майдонларини адир жойларда ҳам ўзлаштириб, янги боғ ва узумзорлар барпо этиш мумкинлиги белгиланди. Шундай қилиб, бир нечта ўзаро боғлиқ вазифалар ҳал этилмоқда.

Карантин чекловларини юмшатиш бўйича чора-тадбирларни белгилашда асосий эътибор энг кўп ходимлар ишлайдиган тармоқларга, яъни тўхтаб қолган корхона, ташкилот ва компаниялар-нинг даромад манбаидан айрилган ходимларига қаратилди. Бу борада биринчи бўлиб қурилиш соҳаси “жонланди”. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қурилиш энг жадал ривожланаётган соҳа. Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий объектлар, тураржойлар қуриляпти. Қурилиш майдонларида, шунингдек, биноларни таъмирлашда юз минглаб мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ишлар қайта бошлангач, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни ташиш билан шуғулланувчи субъектлар ҳам аввалги иш суръатларини тиклашди. Бу эса яна минг-минглаб иш ўринлари, деганидир.

Коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга хизмат қилувчи яна бир соҳа — тўқимачилик саноати. Ушбу тармоқда икки мингдан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, уларда 365 минг киши меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги фаолиятини тиклади ёки тикламоқда. Лекин мамлакатимизда етиштириладиган пахта хом ашёсини тўлиғича қайта ишлаш, экспорт ҳажмини 15 миллиард долларгача етказиш ва уч миллиондан зиёд кишиларнинг бандлигини таъминлаш имконияти мавжуд. Шу боис бу борада аниқ қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида йирик минтақавий тўқимачилик-тикувчилик кластерларини ривожлантириш билан бир қаторда, уларнинг ҳар бири машҳур халқаро бренд маҳсулотларини реализация қилишга, шунингдек, камида мингта иш ўрни яратишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бизнес вакилларига Президентимизнинг кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида айтган сўзлари янада катта ишонч бахш қилди. Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар ва аҳолини пандемия шароитида қўллаб-қувватлаш шу пайтгача берилган имтиёзлар билан чегараланиб қолмаслигини ва, албатта, давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.

Инқирозга қарши чоралар ҳақида муносабат билдирган Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Фульвио Мартушелло таъкидлашича, Евроиттифоқ Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатмоқда.

— Биз мамлакат раҳбариятининг коронавирусга қарши курашиш чораларини қўллаб-қувватлаймиз, — дейди у. — Ўзбекистоннинг пандемия шароитида иқтисодиёт, бизнес ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари олқишга сазовор. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаётгани жуда муҳимдир.

Ҳатто генлар ҳам ёрдам бермоқда

Кейинги кунларда мамлакатимизда умид уйғотувчи кўрсаткичлар қайд этилмоқда, яъни шифокорлар ёрдами билан касалликдан тузалганлар сони даволанаётганлар сонидан деярли тўрт марта кўп. Шундай бўлса-да, Президентимиз таъкидлаганидек, хавф бутун дунёда бартараф этилмагунча, биз ҳам хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар биримиз карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз ҳамда нафақат ўз саломатлигимиз, балки яқинларимиз ва бутун халқимизнинг соғлиғи учун масъул эканлигимизни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Чиндан ҳам, бугун ҳаёт бутунлай ўзгарди. Мана, иккинчи ойдирки, карантиндамиз. Энг яқин дўкон, дорихона ва поликлиникани ҳисобга олмаганда, кўчага чиқмаяпмиз. Меҳмон кутиш ҳам мумкин эмас. Руҳшунослар айтишича, тўрт девор ичида ўтириш инсон учун, айниқса, ёши катта одамлар, болалар, ёшлар учун анча оғир синов. Карантин шароитидаги чекловлар аҳоли чидамини синайдиган ҳақиқий имтиҳон бўлди. Бироқ “ўзини яккалаш” ҳафталари давомида одамлар атрофдаги вазиятдан кўра кучлироқ бўла олишларига ишондилар. Чидам, сабр-тоқат ва сабот намойиш этдилар. Бу қуруқ сўзлар эмас. Ҳамма нарсадан хабардор бўлиб турувчи интернетдаги далилларга қараганда, ватандошларимиз жуда интизомли эканликларини кўрсатиб, халқаро рейтингларда ҳам бу эътироф этилди.

Шуниси ҳам аҳамиятлики, ҳозирги қийин шароитга қарамай, ўзбекистонликлар нафақат ўзлари ва ўз яқинлари, балки муҳтожларга ғамхўрлик қилишга ҳам улгурмоқда. Минглаб юртдошларимиз ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббусга қўшилди. Улар махсус жамғармаларга пул маблағлари ўтказяпти. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, гигиена воситалари билан ёрдам бермоқда. Хайрия ҳаракати, айниқса, табиий офатдан зарар кўрилганда янада кенг қулоч ёзди.

Сўнгги воқеалар шундай оддий ҳақиқатни кўрсатдики, одамларимизнинг иродасини букиб бўлмайди. Ахир вужудимизда ўз фаолияти, инсонпарварлиги ва қатъияти билан дунёни забт этган улуғ аждодларимиз қони оқмоқда. Бу фазилатлар ген даражасида бўлиб, бизга пандемияни енгишда ёрдам беряпти. Бутун дунё ҳали фанга, тиббиётга номаълум бўлган “душман” билан курашаётган бир даврда ана шу хислатларимиз бизни матонат билан бу курашда ғалаба қозонишга, азалий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга ундаяпти.

Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, катта қийинчиликларга қарамай, халқимиз синовлар олдида довдираб қолмади. Юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар лаҳзада меҳр-мурувват, чидам ва сабот, буюк саховат намуналарини кўрсатишмоқда. Бу эзгулик мамлакатимиз чегараларидан чиқиб, дунё бўйлаб кенг қулоч ёзмоқда. Ўзбекистондан Хитой, Эрон, Россия ва қўшни мамлакатларга инсонпарварлик ёрдами ортилган самолёт ва поездлар йўл олди. У ерларда саховат карвонларига муносиб баҳо берилди.

— Бундай хайрли тадбир Марказий Осиёнинг бутунлай ўзгарганини, у минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни кучайтиришга, ўзаро муносабатларни яхшилашга интиладиганини кўрсатди, — деди Қирғизистоннинг Халқаро муносабатлар ва хавфсизлик кенгаши бошқарувининг ҳамраиси Эдиль Осмонбетов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан шу мамлакатга инсонпарварлик юклари юборилгани воқеасини шарҳлар экан. — Ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш бугун, коронавирус пандемияси шароитида ҳар доимгидан ҳам муҳим. Ўзбекистон ушбу глобал муаммони биргаликда ҳал этиш учун сўз билан эмас, амалий ишлари билан ҳаракат қиляпти.

Ўзбекистонда коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва уларнинг ижобий самараларига давлатимиз раҳбари номига нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан келаётган хатларда ҳам алоҳида урғу берилмоқда.

Жумладан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Президентимиз Шавкат Мирзиёевга куни кеча йўллаган мактубида Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолашини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Президентимизга йўллаган мактубидан:

«...Сиз раҳбарлик қилаётган мамлакатнинг минтақада жабр кўрган давлатларга, жумладан, Афғонистон Ислом Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун ғоят миннатдорман.

Сизнинг Ҳукуматингиз томонидан Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолайман».

Бундай эътибор ва эътирофлар ҳар биримизнинг руҳиятимизни кўтариши билан бирга, масъулиятимизни, жараёнга дахлдорлигимизни янада оширади. Зеро, “кўринмас ёв”га қарши кураш ҳали тугагани йўқ. Бу бало дунё аҳлига хавф солиб турар экан, бир зум бўлса-да хотиржамликка берилишга, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, уни бутунлай йўқотишга жидду жаҳд қилишимиз, ғайрат-шижоатни асло сусайтирмаслигимиз лозим. Бу йўлда халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ўзгалар дардини ўз ташвишидек қабул қилиш, муҳтожларга кўмак кўрсатишга доимо шай туришдек эзгу фазилатлар ҳар биримиз учун мустаҳкам тиргак, ёруғ манзиллар сари йўлчи юлдуз бўла олади.

Ўткир РАҲМАТ.

ЕОИИда «кузатувчи» мақомида иштирок этиш бўйича парламент қарори

халқ хоҳиш-иродасининг ифодасидир

1 Қисқаси, биз янги демократик жараённинг гувоҳи бўлдик, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ҳаракатлар стратегияси доирасида парламент ва сиёсий партияларнинг мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилиш, давлат бошқаруви тизимида уларнинг ролини ошириш ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”, парламент эса ҳақиқий “демократия мактаби”га айланиши, қарорлар халқ билан очиқ ва ошкора, фуқароларнинг талаб ва манфаатларидан келиб чиқиб қабул қилиниши кераклигини бир неча маротаба таъкидлаган.

Ўтказилган муҳокамаларнинг асосини сўнгги уч йилда мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг юқори суръатларга эришаётганлиги ташкил этди, бу эса, ўз навбатида, ЕОИИ билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган чораларни фаоллаштиришни талаб этади.

Юртимизда инвестициялар, технологиялар ва замонавий технологиялар ҳамда ноу-хауларни жалб этишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, истиқболли янги бозорларга чиқиш бўйича ҳаракатлар олиб бориляпти. Бу борада Ўзбекистон жаҳон иқтисодий муносабатларида фаол иштирок этмоқда, халқаро иқтисодий маконга қўшилмоқда, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритмоқда.

Ўзбекистон танлаган иқтисодий ривожланиш йўли халқаро ва минтақавий бирлашмалар, шу жумладан, ЕОИИ билан самарали ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этади. Бу, ***бир томондан,*** ушбу иттифоқда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётган стратегик ҳамкорларимиз бўлган Россия, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг аъзо эканлиги, ***иккинчи томондан,*** кенгроқ иқтисодий маконда маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини оширишга имконият яратилиши билан боғлиқ.

— Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олиш Ўзбекистонга яқин истиқболда нима беради?

— Кузатувчи мақоми Ўзбекистонга ЕОИИнинг аъзолари ва ҳамкор давлатлари билан мулоқотни мустаҳкамлаш, ташкилотнинг дастурий ва шартномавий органлари ҳужжатлари амалда татбиқ этилишини янада чуқурроқ ўрганиш, аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари, қарор қабул қилиш жараёни, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база ва уни қўллаш амалиёти каби муҳим жараёнлар билан танишиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, ташкилот ичидаги жараёнларга қўшилган ҳолда, бизда улардан доимий равишда хабардор бўлиб туриш ҳамда миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, ЕОИИ иқтисодий сиёсатини шакллантиришда билвосита қатнашишга шароит юзага келади. Шу билан бирга, ушбу интеграцион тузилмада кузатувчи бўлиш иқтисодий соҳадаги мавжуд қонунчилигимизни ЕОИИ талаб ва қоидаларига мувофиқлаштиришга туртки беради.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ЕОИИга аъзо давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Мисол учун, 2016 — 2019 йилларда Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо давлатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми **60** фоизга ошиб, қарийб **10** миллиард долларга етди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ташқи савдосидаги улуши **30** фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми эса **75** фоиздан ортиқни ташкил қилади.

ЕОИИда кузатувчи мақоминнинг яна бир афзаллиги, унда иттифоқ талабларига риоя қилиш мажбуриятининг юкланмаслиги, шунингдек, иттифоқ билан ҳамкорлик истиқболлари маҳаллий бизнес вакилларига янада рақобатбардош бўлиш учун ўз фаолиятларини такомиллаштириш масаласини долзарблаштиради. Бундан истеъмолчилар ва умуман, модернизациянинг янги босқичига чиқиши орқали иқтисодиёт ютади.

— Амалиётда кузатувчи мақоми қандай қўлланилади?

— Ушбу мақомга эга бўлган давлат ўзининг доимий вакилини ЕОИИнинг узлуксиз фаолият юритадиган муҳим органи ҳисобланадиган Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) қароргоҳига юборади. Шу тариқа мамлакатимизнинг доимий вакили комиссия ва унинг органлари билан иттифоқ ҳудудида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат масаласида мунтазам алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу масала тартибли мулоқот ўрнатишда жуда муҳим механизм бўлиб, бизнинг иқтисодий тармоқларимиз субъектларига, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ЕОИИ ҳудудида амал қиладиган стандартларни, техник, божхона ва фитосанитар қоидаларни янада чуқурроқ ўрганиб, савдо алоқаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ЕОИИ аъзо давлатлари бозорларида рақобатбардошлигимизни ошириш ва савдо-иқтисодий муносабатларимизни янада ривожлантириш мумкин бўлади.

Таъкидлаш керакки, ЕОИИдаги кузатувчилик мақоми бизнинг бошқа иқтисодий уюшмалар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ташаббус билдириш ҳуқуқларимизни чекламайди ва бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларимизга таъсир қилмайди. Аксинча, минтақавий иқтисодий интеграцион тузилмаларда иштирок этиб, биз иқтисодий салоҳиятимизни ва саноат тармоқлари тажрибасини самарали ҳамкорлик орқали оширамиз.

— Сизнинг-ча, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ инқироз қандайдир тарзда кузатувчи бўлиш қарорига таъсир қилдими?

— Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ҳамкорлик масаласини ўрганиш жараёни пандемиядан анча олдин бошланган. Хусусан, муҳокама ва мунозаралар 2019 йил бошидан бери давом этмоқда ҳамда бу масала истиқболли янги бозорларни излаш, ишончли транспорт ва транзит йўналишларини яратиш, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш учун инвестиция ҳамда технологияларни жалб этишга қаратилган Ўзбекистоннинг янги ташқи иқтисодий стратегиясининг мантиқий давомидир.

Пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз, бизнинг жаҳон иқтисодий муносабатларига интеграциялашувимиз тўғри йўл эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Пандемия жуда кўплаб давлатлар иқтисодиётининг барча соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, таъминот “занжир”лари узилиб қолди, меҳнат бозори зарар кўрди, қатор корхоналар ўз фаолиятини тўхатди, транспорт ташувлари камайди.

Пандемия сабоқлари умумий саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга ундайди. Ушбу вазиятда халқаро экспертлар минтақавий жараёнлар кучайиши ва минтақавий тузилмалар аҳамияти ошишини тахмин қилмоқда. Бундай инқирозли вазиятларда устунлик глобал савдо муносабатлари “занжири” узилиши муаммосини самаралироқ ҳал қиладиган, миллий иқтисодиётлар учун “елкадош” вазифасини ўтаб берувчи ихчам минтақавий бозорларга берилади.

Албатта, Ўзбекистон учун бундай ихчам минтақавий бозор сезиларли иқтисодий ўсиш салоҳиятига эга бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳудуди бўлиши мумкин.

Шу ўринда ЕОИИ иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берсак: 2019 йил якунларига кўра, иттифоқнинг ялпи ички маҳсулоти **1,9** триллион долларни ташкил этди, ЕОИИ билан эркин савдо битимлари ва ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолаган учинчи мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти **29,6** триллион долларни (харид қобилияти паритети бўйича) ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **23,2** фоизини ташкил этади. Иттифоқнинг ташқи шериклари ялпи ички маҳсулоти ҳажми **43,9** триллион доллардан иборат (харид қобилияти паритети бўйича), бу, ўз навбатида, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **34,3** фоизига тўғри келади.

Дунё миқёсидаги инқироз ва хорижий давлатларнинг чегаралари ёпилиши ортидан келиб чиққан ҳозирги иқтисодий реалликни ҳисобга олган ҳолда, кузатувчи мақоми мамлакатимизга ЕОИИ ҳудудига маҳсулотларимизни экспорт қилишни соддалаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ҳамда бошқа тармоқлар бўйича экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Умуман олганда, пандемия шароитида ЕОИИ бошқа минтақавий интеграциявий тузилмалар сингари инқирозга нисбатан тайёрлиги ва чидамлилиги бўйича ўзига хос синовни бошидан кечирмоқда. Бу, ўз навбатида, ЕОИИ фаолиятида эътибор берилиши лозим бўлган бир қатор муҳим масалаларни юзага чиқарди. Албатта, бу ва бошқа омиллар ҳам ЕОИИ келажакда қандай ривожланиши ҳамда такомиллашувини янада яхшироқ англаш учун инобатга олинди. Шу сабабли ушбу босқичда Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи мақомида иштирок этиши тўғри қарор ҳисобланади.

— Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи мақомида иштирок этиши минтақавий ҳамкорлик истиқболларига қандай таъсир қилади, деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёни тинчлик, барқарор ривожланиш ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон минтақавий ва халқаро тузилмалар билан муносабатларни ривожлантиришда интеграцион тузилмаларда иштирок этиши минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак, деган тамойилдан келиб чиқади.

Бугунги кунда пандемия туфайли Марказий Осиё мамлакатлари инфляция ва ишсизлик даражасининг ошиши, ялпи ички маҳсулот ўсишининг пасайиши ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби умумий муаммоларга дуч келмоқдалар. Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш талаб этилади, бу эса минтақавий ҳамкорликнинг муҳим эканлигини яна бир бор кўрсатади. Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биз фақатгина ҳамжиҳатликда ва якдилликда самарали кураша оламиз.

Давлатлар раҳбарларининг ушбу қийин кунлардаги доимий мулоқоти ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори даражада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўнгги икки ой ичида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари билан телефон орқали **13** марта суҳбат ўтказиб, унда пандемияга қарши самарали курашиш ҳамда унинг салбий оқибатларини камайтириш борасида яқиндан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг қатъий тарафдори экани Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2019 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якуний баёнотида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, давлатлар транспорт ва транзит имкониятларини кенгайтириш ҳамда минтақанинг энергия салоҳиятини ошириш, замонавий халқаро логистика, савдо ва туризм марказларини ташкил қилиш, янги корхоналар қуриш, инновация технологияларини жорий этиш ҳамда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хоҳишлари борлигини ва бунга ўзларининг тайёрликларини билдиришди. Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Маслаҳат учрашувининг натижалари Марказий Осиё давлатларининг ўзаро бирлашуви орқага қайтмас жараён эканлигини тасдиқлади.

Ўзбекистоннинг ЕОИИдаги иштирокини кенгайтириш минтақавий ҳамкорликнинг стратегик мақсадларига жавоб беради ва Марказий Осиёнинг иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги салоҳияти сезиларли равишда юксалишига ҳисса қўшади, ўз навбатида, бу келгусида минтақанинг турли рақобатларга бардошли, устун жиҳати бўлади.

«Халқ сўзи».

ШҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари мажлиси

2020 йил 13 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг видеоконференция шаклидаги навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ҳиндистон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Хитой ва Ўзбекистон ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори COVID-19 пандемияси шароитидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Коронавирус оқибатларига қарши курашиш ва касалликнинг ШҲТ давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини юмшатиш бўйича долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Эпидемияга қарши курашиш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ташкилотга аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳимлиги таъкидланди. Томонлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва бу борада ШҲТнинг амалдаги механизмлари ишини фаоллаштириш зарурлигини қайд этди. Пандемиядан кейин дунё иқтисодиётида кузатиладиган жиддий ўзгаришлар нуқтаи назаридан савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, иқтисодиётни тиклаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутлади, жасур жангчилар, фронторти меҳнаткашлари дунёни фашизмдан қутқаришга улкан ҳисса қўшгани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирокчиларга мамлакатимизда ушбу муҳим санани кенг нишонлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот берди.

Мажлис якунида COVID-19 пандемияси тарқалиши муносабати билан ШҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг баёноти қабул қилинди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси жамғарманинг фахрий аёллар билан ишлаш гуруҳи аъзоси **Гулчеҳра КАРИМОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари, таълим муассасалари, банк ва ташкилот раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2019/2020 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчилари, ёш иқтидорли мутахассис кадрларни муносиб иш билан таъминлаш асосида ўз соҳангизнинг барқарор ривожини таъминлаш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.

Нафақат республикамизда, балки минтақада соҳанинг илғор олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида иқтисодиётнинг 10 дан ортиқ йўналишлари, шу жумладан, сув ресурсларини барқарор бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, гидротехника қурилиши, сув тежамкор технологиялар, энергетика ва автоматика, ер тузиш ҳамда ердан фойдаланиш, соҳа иқтисодиёти ва менежменти, замонавий қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив техникалар, машина ва механизмлар, агросаноат ҳамда сув хўжалиги мажмуаларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологиялар, шунингдек, уларни кенг жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни самарали ечишга қодир, юқори малакали, рақобатбардош муҳандис-техник кадрлар тайёрланмоқда.

Атроф-муҳит ва иқтисодиёт соҳаларини, хусусан, мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш мақсадида 180 минг км. узунликдаги ирригация тизимлари, 800 дан ортиқ йирик гидротехника иншоотлари, 20 минг донага яқин гидропост ва сув тақсимлаш иншоотлари ҳамда умумий ҳажми 19,2 млрд.м^3 бўлган 55 та сув омбори, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 млрд. кВт соат бўлган 1614 та насос станцияси, 4124 та тик суғориш қудуқлари хизмат қилмоқда. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолати барқарорлигини таъминлаш мақсадида 102 минг 800 км. узунликдаги очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 38 минг км. ёпиқ-дренаж тармоқлари, 3451 тик дренаж қудуғи, 153 та мелиоратив насос станцияси ва 24 минг 839 та кузатув қудуғи тўхтовсиз ишлатиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда институтда жами 7 та факультет мавжуд бўлиб, бакалавриат босқичида 25 та таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган гидромелиорация факультетида:

5450200 — Сув хўжалиги ва мелиорация;
5111000 — Касб таълими (5450200—Сув хўжалиги ва мелиорация);
5141100 — Гидрология (сув омборларида);
5630200 — Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Гидротехника қурилиши факультетида:

5340700 — Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида);
5450100 — Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш;
5450400 — Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультетида:

5450300 — Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш;
5640100 — Ҳаёт фаолият хавфсизлиги каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда.

Ер ресурсларини бошқариш факультетида:

5410700 — Ер тузиш ва ер кадастри;
5410700 — Касб таълими (Ер тузиш ва ер кадастри);
5311500 — Геодезия, картография ва кадастр таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетида:

5230100 — Иқтисодиёт (сув хўжалигида);
5230200 — Менежмент (сув хўжалигида);
5230900 — Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетида:

5430100 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш;
5111000 — Касб таълими (5430100 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультетида:

5430200 — Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;
5311000 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича);
5310200 — Электр энергетикаси (сув хўжалигида);
5111000 — Касб таълими (5430200 — Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Факультетлар қошида жами 36 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Мазкур кафедраларда жами 468 нафар профессор-ўқитувчилар:
— 67 нафар фан доктори ва профессорлар;
— 182 нафар фан номзоди — фалсафа докторлари ва доцентлар;
— 219 нафар катта ўқитувчи ва ассистентлар талабаларга замонавий технологиялар асосида билим бермоқда.

Бундан ташқари, етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларнинг 35 нафар профессор-ўқитувчилари ҳам талабаларга замонавий билимлардан сабоқ бермоқда.

Институтда жаҳоннинг нуфузли университетлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Соҳанинг етук олимлари билан ишчи учрашувлари ўтказиб борилади.

Хусусан, жорий ўқув йилида Нобель мукофоти совриндори, исроиллик Дан Шехтманнинг сув тежовчи технологиялар бўйича муаммоли маърузаси билан ташрифи ташкил этилди.

2019 йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида институт олимлари томонидан жами 87 та монография ва 89 та патент ҳамда авторлик гувоҳномалари олиниб, 23 та ишланмага талабномалар расмийлаштирилган.

Республикамизнинг илмий журналларида чоп этилган илмий мақолалар сони 432 та, «Scopus» ва «Web of Science» маълумотлар базасида 160 тани, хорижий журналларда 281 та, халқаро анжуман тўпламларида 243 тани ташкил этди.

ТИҚХММИ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Elsevier» (Нидерландия) компанияси томонидан эълон қилинган «Йил давомида самарали фаолият кўрсатган ўзбекистонлик етакчи олимларнинг «Scopus Award — 2019» танловида «Энг кўп нашр қилган университет — «Science Direct Top Published University» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида «Times Higher Education» ва «QS» каби дунёнинг етакчи халқаро агентликлари билан сўнгги икки йил ичида олиб борган ҳамкорлиги натижасида институт мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба 2020 йил учун «QS»нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингида қайд этилиб, нуфузли университетлар ичида 301-ўриндан жой олди.

Институтда юртимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, иқтидорли талабалар фаолиятини ривожлантириш, улардаги ноёб истеъдод ва қобилиятларни рўёбга чиқариш ҳамда илмий ишланмаларнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилган.

Ҳурматли ташкилот ва корхона раҳбарлари!

Сизларни мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти йўлида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ҳамда инновацион илмий изланишлар ва ишланмаларни олиб борадиган битирувчиларни муносиб ишга жойлаштириш, ўз бизнесларини ривожлантиришда барча тармоқ корхоналарини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Телефон: 71-273-09-85. E-mail: www.tiiame.uz

2598

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИ

2019/2020 ўқув йилида битирувчилар тўғрисида маълумот

№	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари: шифри	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари: номи	Битирувчилар сони	шу жумладан: грант	шу жумладан: шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри	Бошқа давлатлар
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бўйича жами:	**1653**	**487**	**1166**	**51**	**30**	**47**	**66**	**46**	**21**	**70**	**207**	**70**	**365**	**50**	**65**	**202**	**363**	**0**
		БАКАЛАВРИАТ (кундузги):																		
1	5111000	Касб таълими: (5450200-Сув хўжалиги ва мелиорация)	17	3	14			1				2	1	2	5	1	1	3	1	
2	5111000	Касб таълими: (5410700-Ер тузиш ва ер кадастри)	10	1	9								1		3			2	4	
3	5111000	Касб таълими: (5430100-Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)	8	2	6				1				2		1			1	3	
4	5111000	Касб таълими: (5430200-Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш)	13	4	9			2		2			2		2	1		1	3	
5	5230100	Иқтисодиёт (сув хўжалигида)	26	4	22		1		1	2		2	1		2	4	1	1	11	
6	5230200	Менежмент (сув хўжалигида)	17	4	13					1	1		2	1	3			4	5	
7	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	27	5	22	2			1	3	1		2		2	1	2	5	8	
8	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси	52	5	47	3	1	1	1		1	1	6	1	19	3		5	10	
9	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	354	105	249	13	3	7	17	16	4	20	47	14	76	13	16	37	71	
10	5141100	Гидрология (сув омборларида)	26	8	18	3	1					2	7		6	1		3	3	
11	5430200	Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш	66	9	57	1	2	1	3		2	1	15	1	19	1	1	8	11	
12	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	80	22	58	3	1	4	1	3	1	4	9	3	18		3	13	17	
13	5310200	Электр энергетикаси (сув хўжалигида)	66	19	47	1	1	2	3	3	2	3	8	6	9	1	4	15	8	
14	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	187	58	129	3	3	5	6	6	2	8	13	12	39	5	7	33	45	
15	5640100	Ҳаёт фаолият хавфсизлиги	25	9	16		4		1	2		3	1	1	11				2	
16	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	172	42	130	1	2	4	11	1	1	6	45	3	36	5	5	23	29	
17	5311500	Геодезия, картография ва кадастр	65	19	46	3	2	3	1	2	1	5	6	3	19		3	8	9	
18	5410700	Ер тузиш ва ер кадастри	123	29	94	7	2	3	4	3	1	2	12	6	30	1	2	8	42	
19	5450400	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	105	28	77	3	3	3	6	1	2	2	10	13	13	7	10	5	27	
20	5340700	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	59	20	39	2	1	1	4			2	10	1	13		3	8	14	
21	5450100	Ирригация тармоқлари, сув энергиясидан фойдаланиш	59	23	36	2		1	1	1		2	3		10	2	6	8	23	
		Жами:	**1557**	**419**	**1138**	**47**	**27**	**38**	**62**	**46**	**19**	**65**	**203**	**67**	**336**	**46**	**64**	**191**	**346**	
		МАГИСТРАТУРА:																		
1	5А232401	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	3	3	-							1			1			1		
2	5А311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида)	6	2	4						1			1	2				2	
3	5А313101	Геодезия ва геоинформатика	11	4	7			2	1			1	1		2		1	3		
4	5А410701	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	8	8	-		1								4	1		1	1	
5	5А430101	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	6	6	-	2			1				1		2					
6	5А430601	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	4	4	-										2			1	1	
7	5А430602	Сув хўжалигида «Smart» (интеллектуал) ўлчаш тизимлари ва асбоблари	5	5	-		1								2			1	1	
8	5А450202	Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	6	6	-			2							1			1	2	
9	5А450205	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	6	4	2			1							1	1			3	
10	5А450206	Сув тежамкор суғориш технологиялари	4	4	-			2							1				1	
11	5А450207	Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва бошқариш	3	3	-				1									2		
12	5А450301	Гидромелиоратив ишларини механизациялаш	6	6	-	1								1	3	1				
13	5А450401	Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги	5	5	-			1	1			2			1					
14	5А450402	Насос станциялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси	5	5	-								1		2	1			1	
15	5А630201	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	2	2	-										1				1	
16	5А430503	Интеллектуал датчиклар ва технологиялар	5	-	5						1				2			1	1	
17	5А450208	Сув сифатини бошқариш	5	-	5	1								1	1				2	
18	5А630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари)	2	-	2								1		1					
19	5А630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (халқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш)	1	-	1														1	
20	5А630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (масофадан зондлаш)	1	-	1		1													
21	5А630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (атроф-муҳит менежменти)	2	1	1			1				1								
		Жами:	**96**	**68**	**28**	**4**	**3**	**9**	**4**		**2**	**5**	**4**	**3**	**29**	**4**	**1**	**11**	**17**	**0**

2226

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6